



**Нилуфар ИСОҚУЛОВА**  
**ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИШ ВА НАТИЖАЛАРНИ**  
**РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Мазкур мақолада илмий таоқиқот ишларини олиб бориш ва унинг натижаларини расмийлаштириш жараени таҳлил қилинган. Унда импакт-фактор, ISSN, EISSN, РИНЦ, Science index каби сайт маълумотлари айнан келтирилган.

В статье анализируются процессы научно-экспериментальных работ, приводятся точные сведения об импакт-факторе, ISSN, EISSN, РИНЦ, Science index.

The article analyzes the process of scientific and experimental works. The exact information about the impact factor, ISSN, EISSN, RSCI, and the Science index is given as well.

"Ўзбекистан Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш системаини янада такомиллаштириш тўғрисида" 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармонини бажариш юзасидан ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим системасини ва Олий аттестация комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бир канна ишлар олиб борилди. Олий ўқув юртидан кейинги таълим тугрисидаги Низомнинг 16-бандида фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган юқори савияли илмий иш бўлиши, унда муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар ва ярагилган ишланматар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий ва долзарб илмий ёки амалий муаммолар ҳал этилиши ёки илм-фан тегишли тармоғининг истиқболли йўнатишини ривожлагириш учун муайян юзу к, сифагида баҳоланадиган янги назарий қоидалар комплекси ишлаб чиқилган бўлиши ёки жорий этилиши илм-фаннинг, техниканинг, ижтимоий-сиёсий соҳанинг ёки иқтисодиёт тармоғининг ривожланишига салмоқли хисса қўшадиган ечимлар ишлаб чиқилган бўлиши кераклиги баён қилинган (2).

Бунинг учун илмий-тадқиқот ишларини узлуксиз олиб бориш, яъни битирув-малакавий, магистрик, докторлик диссертация ҳамда ўқитувчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини узлуксиз давом эттириш талаб этилади. Битирув-малакавий иш, магистрик ва докторлик диссертациялари ҳамда илмий мақолаларда диссертация, илмий мавзу, илмий тадқиқот, илмий таҳмин, илмий гоҳ, натижаларни расмийлаштириш каби илмий-тадқиқот ишларига оид термин, ибора ва бирикмалар мавжуд. Амалиётга жорий этилган илмий-тадқиқот ишларини таҳдил этиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Илмий-тадқиқот ишини тубдан такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш кадрлар тайёрлаш савияси ва рақобатбар-

дошлгини ошириш, битирув малакавий иш, мазмуни ва сифатига қўйиладиган мезонлар ва талабларни тайёрлаш магистрлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлашнинг узлуксизлигига асос яратади.

2. Олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачиларининг таклифлари асосида илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ҳамда ишлаб чиқаришга йўналтирилган дастурлар бўйича мақсадли илмий-тадқиқот ишларини тайёрлашни йўлга қўйиш илмий-тадқиқотни юксалтириш заруратини такозо қилади.

3. Илмий-тадқиқот дастурлари, марказлари талаблари даражасида назарий ва амалий таълим, лаборатория машғулоти, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий-услубий ва илмий-тадқиқот натижалари ҳамда диссертацияларни тайёрлаш зарурий ўқув-услубий ва моддий-техник базанинг жорий этилишини таъминлайди.

Мақола мавзусининг долзарблиги қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

*Биринчидан*, илмий-тадқиқот бўйича мутахассислар эхтиёжининг узлуксиз таълим билан узвийлиги.

*Иккинчидан*, илмий-тадқиқот бўйича шуғулланувчи мутахассисларга оид муаммоларнинг системали тадқиқ этилмаганлиги.

*Учинчидан*, илмий салоҳиятнинг таълим муассасаларида етарли даражада эмаслиги

*Тўртинчидан*, илмий-тадқиқот ишлари илмий-методик жиҳатдан асосланган ҳолда системали ишлаб чиқилмаганлиги.

*Бешинчидан*, илмий-тадқиқот натижаларини расмийлаштириш халқаро талаблар даражасида олиб борилмаганлиги.

Республикамызда магистрлик ёки докторлик диссертацияси ёки илмий-тадқиқот бўйича апробация натижаларига ўзгартиришлар киритилмоқда.

Апробация расмий маъруза ва чиқишлар, шунингдек, ёзма ва оғзаки тақризлар шаклида амалга оширилиб, тадқиқот натижаларининг мустақил олинганлиги, аҳамиятлилиги ҳдмда ҳаққонийлигини тасдиқдашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ҳамкасблар. бошқа соҳа мутахассисликлари ҳамда амалиётчилар билан утказиладиган суҳбат ва мунозара каби норасмий апробация шакллари ҳам муҳим аҳамиятга эга Зеро, тадқиқотчи томонидан аниқланган янги билим жамоатчилиikka маълум қилиниб, қабул қилингандагина илмий ҳодиса сифатида эътироф қилиниши мумкин (1).

Илмий тадқиқот натижалари илмий мақола ва тезис (ОТМ, республика, халқаро микёсида), илмий ахборот, реферат, илмий маъруза, курс, битирув малакавий ва магистрлик диссертация иши, рисола, монографиялардан иборат.

*Илмий мақола* ёзишнинг қуйидаги талабларига эътибор бериш керак:

- диссертация ёки илмий-тадқиқотнинг илмий янгилиги асосида мақола нашр этилиши;

- мақола мавзусининг кириш қисмида муаммо **сиёсий. иқтисодий.** (аънавий жиҳатдан долзарлиги ўрганилиши;
- мақоланинг асосий қисмида муаммо ҳар томонлама **идмий-назағий** сикхатдан тахдил этилиши, муаммо ечимлари келтирилиши;
- илмий мақола мавзуси хулосаланиши;
- мақола ёзиш тартибида адабиётлардан фойдаланган ҳолла **сноскалар** ёриши;
- фойдазанган адабиётларнинг рўйхати келтирилиши;
- илмий нашр талаблари бажарилиши.

Шунингдек, илмий мақолалар Ўзбекистан Республикаси ОАК 'аёсатининг 2014 йил 31 декабрдаги 212/5-сонли қарори 5-иловасида 9- •андида “Эълон қилинган ишларни меъёрий-техник жиҳатдан баҳолапГ дм да 10-бандида “Эълон қилинган ишларни илмий жиҳатдан баҳолапГ артибларини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яъни. ;уйида 10-банди вазибалари келтирилган:

- мақолаларда диссертация натижаларининг назарий ва методологик 1ҳамияти ёритиб берилиши, кўриб чиқиладгган муаммоларни швожлангиришдаги сунгги концептуал қарашлар тахдил қилинган ва шёсланган бўлиши лозим;
- мақолаларда талабгор томонидан илмий натижаларни миллий нсгисодиётда қуллашнинг мақсадга мувофиқдиги борасидаги қарашлари селтирилган бўлиши керак;

-диссертация мазмунинингчоп этилган ишларда тулик пссэтгирилганлиги (3).

*Реферат* - (лот.геҒего-ахборот беряпман) - 1) бирор илмий асар, лақола. ўқилган китоб ва ш.к. мазмунининг қисқача ёзма ёки оғзаки баёни; 2) ўқувчи ва талабаларнинг ёзма иш турларидан бири, 3) ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақида ахборот; тегишли адабиёт ва бошқа манбаларнинг қисқартирилган шарҳди тахдилини ўз ичига олган маълум мавзудаги маъруза.

*Маъруза* - 1) ўқув материалига оид бирор масала, илмий, сиёсий мавзуларнинг изчил, тартибли, оғзаки баёни. Ўқув муассасеасида ўқув жараёнининг асосий шакли, таълим муассаса- ларида қаре бериш усулларида бири;2) бир соатлик машгулот давомида ўрганиладгган мавзунинг ҳақиқий моҳиятини очиб бериш, унда илгари сурилган қоялар асосида илмий хулосалар чиқариш ва уларни умумлашган ҳолда билимларни муайян изчилликда баён этиш шакли; 3) маъруза, лекция - уқув материали, бирор масала, илмий мавзуларнинг изчил, тартибли баёни.

*Конференция* (лот. konferentia - бир жойга тўплайман) - давлат ёки партия, жамоат ва олимлар вакилларининг муайян масалани муҳокама этиш учун йигилиши.

*Монография* - биргина шахе томонидан ягона муаммони ёритишга багишлаб ёзилган илмий асар (8).

Бакалавр даврида талабалар конференциясидаги маърузалар илмий-тадқиқотнинг бошланғич даври сифатида олиб борилмаётганлиги амалиётда маълум. Вазирликнинг 2004 йил 9 апрелдаги 105-сонли буйруғига 1-иловасида берилган ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан бажариладиган ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ва тарбиявий ишлар хажмини белгилловчи “Вакт меъёрлари”нинг Янги таҳририда берилган илмий-услубий ишларнинг 12-бандида талабаларни фан олимпиадалари ва илмий конференцияларга тайёрлаш ҳдмда илмий-тадқиқот ишларнинг 3- бандида талабаларнинг илмий-тадқиқот ишига раҳбарлик қилишда (4) профессор-ўқитувчилар томонидан юзаки ёндашиш ҳолатлари кузатилмоқда. Лекин, Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқдаш қоидаларини тасдиқлаш тугрисида”ги 2015 йил 9 сентябрдаги 5-2015-сон буйруғининг иловасида Вакт меъёрларининг 30 бандида талабаларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-иждоий ишларига раҳбарлик қилиш иш турларининг бажарилиши талабанинг илмий-тадқиқот ва илмий-иждоий ишлари (маъруза, мақола, тезис, шеърий тўплам ва бошқалар) нашр этганлиги асосида аниқланиши кўрсатиб берилган (5).

Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 октябрдаги 418-сонли “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” буйруғида магистратурада ўқиш муддати давомида камида 2 та илмий мақола ёки тезис чоп этиш лозимлиги таъкидланган. Мазкур жараёнда чоп этилиши лозим бўлган мақола ёки тезиснинг қерда нашр этилиши кўрсатилмаган ҳамда антиплагиат томонидан текширилмаган (6). Шунингдек, 1-курсада 1 та илмий мақола ёки тезис ҳамда 2-курсада 2 та илмий мақола ёки тезис нашр этилиши магистратура талабалари фаолияти мониторингида белгилаб берилган(7).

Ваҳоланки, илмий-педагогик диссертацион тадқиқот натижаларини апробациядан ўтказиш, тажриба-синов майдонларида синаб кўриш ва баҳолаш тартиби тажриба-синов ишлари асосий тушунчалари, мақсад ва вазифаларини тақозо қилади. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 февралдаги 162/7- сонли қарори иловасида илмий-педагогик диссертацион тадқиқот натижаларини апробациядан ўтказиш, тажриба-синов майдонларида синаб кўриш ва баҳолаш тартиби баён қилинган. Мазкур тартибда умумий қоидалар, тажриба-синов ишлари асосий тушунчалари, мақсад ва вазифалари, педагогик тажриба-синов ишларини ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва баҳолаш, тажриба-синов ишларини ташкиллаштиришга қўйиладиган илмий-методик талаблар, босқичлари,

натижаларини баҳолаш ҳамда апробациядан ўтказиш ва **расмийлаштириш** ифодаланган. Шунингдек, диссертация иши юзасидан камида **10та** мақола ОАК рўйхатига киритилган илмий журналларда. жумладан. 1та **Мхстакил** Ҳамдўстлиги ҳудудида, 1 та Ўзбекистан Республикаси **Фанлар** академиясининг ихтисослашган журналида, 1 та Европа мамлакатлари **ҳам та** АҚШ, Канада, Япония, Хигой Хапк Республикаси ва Жанубий **Корея** мамлакатларининг илмий журналларида чоп этилган мақола, 1та монография ҳамда илмий натижаларни амалиётга татбиқ **этилганлиги** ҳақидаги юқори бошқарув органлари томонидан тасдиқланган далолатномаси талаблар қаторига киритилган(1).

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги О.тий аттестация комиссиясининг 2011 йил 15 ноябрь кундаги 73-сонли буйрути 2-иловасида ихтисослашган кенгашлар томонидан ОАКга тақдим этиладиган диссертация химояси ҳақида эълон матни намунасида диссертация натижаларининг илмий янгилиги кўрсатилиб. моҳияти қисқача тавсифланиб, уларнинг ҳар бири бўйича эълон қилинган 1тадан асосий нашр кўрсатилиши ҳамда диссертациянинг амалиётга жорий этилган натижалари ва уларнинг самарадорлиги далолатномалар асосида белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларини расмийлаштириш жараёнида куйидаги меъёрий ҳужжатларда тавофутлар мавжудлиги аниқланиб, жадвалларда уз ифодасини топган:

| <p><b>Фан доктори илмий даражасини бернш тартнбн тўғрнсидаги Низом (ЎзРВМ ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2013 йил 31 январдаги 195/2-сон қарори билан тасдиқданган)</b></p>                                                                                                                                                                                             | <p><b>Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон қарорига 2-илова</b></p>                                                                                             |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>3.16. Диссертация бўйича талабгорнинг эълон қилинган илмий ишларининг умумий сони 15 тадан кам бўмаслиги ва улардан камида 10 таси ОАК рўйхатидаги илмий журналларда эълон қилинган бўлиши керак</p>                                                                                                                                                             | <p>3 йил давомида 5 та илмий мақола, 5 та тезис, 3 та илмий маъруза</p>                                                                                                                                  |
| <p>3.17. Талабгорнинг диссертация мавзуси камида 2 та мақоласи ОАК рўйхатидаги тегишли фан соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли ихтисослашган илмий журналларида, шунингдек 2 та мақоласи халқаро илмий-амалий конференция материалларида, шундан биттаси хорижий мамлакатларда ўтказилган конференция материалларида эълон қилинган бўлиши керак</p> | <p>ОАК рўйхатидаги тегишли фан соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли ихтисослашган илмий журналлари ва республика илмий журналлар рўйхати ҳам да журналнинг мақолага қўйилган талаблари</p> |
| <p>3.19. ОТМ ёки ИТМ илмий кенгаши қарори билан чоп этилган ва камида 6 босмага табоқ ҳажмдан иборат бўлган монография республикада чоп этиладиган ихтисослашган илмий журналларда эълон</p>                                                                                                                                                                        | <p>Монография - биргина шахе томонидан ягона муаммони ёритишга бағишлаб ёзилган илмий асар.<br/>1 интервалдан ҳисобланса — 96 бетни ташкил қилади.</p>                                                   |

|                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |
|--------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| қилинган мақола сифатида ҳисоблаяди. | <p>1,5 интервалдан ҳисобланса - 108 бетни таъриф қил қилади.</p> <p>Хулоса қилиб олганда 96 ёки 108 бетли иш республикада чоп этиладиган ихтисослашган илмий журналларда эълон қилинган мақола сифатида ҳисобланиши мумкинми ёки монография нашр этилиши юзасидан илмий журналларда эълон этибдорга олинганми?</p> |
|--------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси 2013 йил 6 майда “ОАК рўйхатига киритиши мумкин бўлган маҳаллий ва хорижий илмий журналларга қўйиладиган талаблар” республика ҳамда хорижий нашрлар учун талабларини келтирган. Мазкур талабларда импакт-факторга эга журналларда чоп этилган илмий мақолалар, рўйхатдаги журналларда чоп этилган мақолалар сифатида қабул қилинишига изоҳ берилган (9). Шунингдек, ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатини тасдиқдаш туғрисида”ги Қарорида салоҳиятли тадқиқотлар асосида олинган илмий натижаларни нашр қилиш ва нашр ишлари сифатини тудан яхшилаш мақсадида Рўйхатга юксак илмий савияга эга бўлган миллий ва хорижий етакчи илмий босма ва электрон нашрлар киритилгани, олинган илмий натижаларни жаҳонда тан олинган нуфузли илмий нашрлар воситасида апробация қилиш ишларини кенгайтириш ва илмий натижа талабдорларига кенг имконият яратиш мақсадида “Импакт-фактор”га эга илмий нашр( журнал) лар да чоп этилган мақолаларни Рўйхатга киритилган илмий нашрларда чоп этилган илмий мақолалар сифатида қабул қилиниши, нашр ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва изланувчиларнинг нашр ишларидаги фаоллигини янада ошириш мақсадида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нашриётларда таҳрири амалга оширилиб, чоп этилган материалларни Рўйхатга киритилган илмий нашрларда чоп этилган илмий мақолалар сифатида қабул қилиш амалиёти қўйилиши ҳамда Рўйхатга муайян фан тармоқлари (ихтисосликлар гуруҳи, ихтисосликлар), минтақалар (Европа, Америка Осиё, МДХ), шунингдек, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари кесимида системали ёндошилиб, унда ахборот- коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш этиборга олинган (10).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Тошкент

шаҳрида хорижий экспертларни жалб қилган ҳолла 2015 йил 29 январь кўпи “Халқаро талаблар даражасида илмий тадқиқотларни олиб бориш ва натижаларини расмийлаштириш методикаси” мавзусидаги семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар-тренинг ишида Европа комиссиясининг Илмий тадқиқотлар ва инновациялар Бош бошқармаси консультанта Мартин Пенни “Илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уни расмийлаштиришга қўйиладиган халқаро талаблар. Илмий мақолаларни нашр эташда стратегик ендашув ва илмий мақолаларнинг экспертизасини ўтказиш. Илмий мақолаларнинг эксперт баҳосини аниқлаш” мавзуларида ҳамда Буюк Британиянинг “Researcher Connect” глобал дастури координатора мастер-трениери Джо Чаффер “Илмий мақолаларни нашр этиш жараёни. Илмий мақолаларнинг китобхонлари бўйича маълумотлар излаш йўллари” мавзуларида маърузалар қилдилар (11).

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқот натижалари сифатида “Импакт-фактор”га эга илмий нашр(журнал)ларда чоп этилган мақолалар эътаборга олинган. Импакт-фактор нима<sup>9</sup> Импакт-фактор (ИФ) - илмий журналнинг рақамли кўрсатиш муҳимлигини аниқлайди. 1960 йиллардан буён ҳар йили Илмий ахборот институт (1992 йилда Томсон корпорацияси деб ўзгартирилган) томонидан ўрганилиб боришда ва “Journal Citation Report” журналида нашр этаб боришда. Импакт-факторга эга журналлар, мақолалар сифати, унда нашр этилиши ҳамда илмий-тадқиқот натижаларини баҳолайди. Импакт-фактор ҳисоби 3 йилга асосланган. Масалан импакт- факторга эга журнал 2014 йил  $I_{2014}$  қўйидагича ҳисобланади:  $I_{2014} = A/B$ , A - 2014 йилдаги журналларнинг цитата келтириш сони, Илмий ахборот институт томонидан босилиши. мазкур журналдаги 2012-2013 йилдаги нашр этилган мақолалар; B эса - 2012-2013 йилда мазкур журналдаги нашр этилган мақолалар сони. Ҳисобда бир неча нюанслар мавжуд: Илмий ахборот институт баъзи мақолаларни инкор этади (хабар, ахборот, хат, матбаа хатолари рўйхати) ва янги журналлар учун импакт-фактор 2 йилга мўлжалланади. Импакт-факторга эга журнал тадқиқот соҳаси ва турларига боғлиқ бўлади: йилдан-йилга у ўзгариши (масалан журнал номи) мумкин Бутунги кунда ИФ муҳим мезон ҳисобланади, унда илмий-тадқиқотлар даражасини яқин билимлар соҳасида солиштириш имконини беради.

*Импакт-факторнинг ижобий хусусиятлари:*

- 60 мамлакатнинг 8400 ортиқ журналларида индекс кўрсаткичлари мавжуд илмий адабиётлар билан кенг фойдаланиш;
- ошқора равишда ва осон кириш натижалари;
- тушуниш ва фойдаланишда оддийлик;
- юқори ИФга эга журналлар одатда паст ИФга эга журналларга Караганда қаттиқ системада тақриз қилади.

Мазкур жараёнда ИФ идеал ҳам эмас. Масалан, мақола сифатини кўрсагувчи цитата сони тушунарсиз. Бундан ташқари. журналлардаги узок йиллик нашрлар мақолалар бўлиб, нашрга далил(хавола) сифатида



берилмокда, 3 йиллик даврга тушмайди. Ҳақиқатан, баъзи журналларда мақолаларни қабул қилиш вақти 2 йилдан ортиқ бўлиб, қолган бир йили эса ҳаволага қоляпти. Бошқа томондан эса, оралиқ вақднинг ўсиши, цитата беришни эътиборга олиши, импакт-факторни ўзгаришларга кам сезувчан қилиб қўяди.

*Импакт-факторнинг салбий хусусиятлари:*

- цитата сони, тадқиқот сифати ҳамда нашрлар сонини аниқламайди;
- оралиқ вақт, қайсики цитатани эътиборга олаётганда жудаям қисқа вақт (классик мақолалар нашри 10 йилдан сўнг цитата қилинади);
- турли соҳадаги тадқиқотлар натижалари мақола натижаларининг тез-тез такрорланишига олиб келади, импакт-факторга ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, математика журналларига нисбатан тиббиёт журналлари тез-тез катга импакт-факторга эга.
- импакт-фактор ҳисоби ноаниқдikka ва монополияга эга.

Юқори импакт-факторга эга журналлар таҳририятида қизиқарли ишлар миқдори кўп. Мазкур журналларда мақолаларни кенг миқёсда танлаш ҳамда ўз рейтингини кўтариш имкони мавжуд. Қўшимча ижобий таъсирларидан яна бири журналларни тақризи қилишнинг қаттиққўллик даражасини оширади (12).

ISSN, ESN, PИИЦ, Science index нима ва улар нима учун керак? Ҳар қандай илмий журнал ўрнатилган тартибда регистрация (рўйхатдан ўтиш) рақамига эга. ISSN- босма нашрлар учун, нашриётда ўзлаштирилади. ESN

- электрон нашрлар учун, электрон илмий нашрлар Реестрида ўзлаштирилади (Информрегистре). PИИЦ - Россия индекси илмий цитата (ҳавола). Science index-эса ихтисослаштирилган ахборотлар системаси (13).

Докторлик дипломининг кадрсизланиши (девальвация) янги, ишончли касбий мезонларни пайдо бўлишига сабаб бўлмокда. Халқаро тан олинган журналдаги мақолалар ҳамда Science Citation Index (SCI) - махсус даврий нашрга берилганлар ҳам (2 ойда бир марта янги мақолаларни рўйхатдан ўтказди, иш муаллифига ҳавола қилинади) ишончли ҳисобланади.

Америка корпорацией The Institute for Scientific Information, Inc. (ISI)

- SCI нашриётчиси - турли соҳалардаги 3 мингдан ортиқ журналларни мунтазам ишлов беради (мазкур журналлар рўйхати List of Source Publications - ҳар йилга SCI тўплами бошида жойлаштирилади). Табиийки, ҳамма журналлар ҳам, айниқса инглиз тилида бўлмаган журналлар мазкур рўйхатга киритилади. Ҳамма қўшилган адабиётлар рўйхати компьютерга киритилади, SCI ўзининг фамилиясини топганида, сизнинг мақолалангизга (журнал номи, йили, сони, бети) мазкур йилда доктор X қайсидир журналда ҳдвола қилди (сони, чиқиши, бетини), ёки доктор Y - қайсидир журналда. ёки доктор Z - яна қайсидир журналда. Шунда Сиз 3 балл йигасиз. Баллар куплиги жуда яхшилиги тушунарли, албатта. Фарбда SCI ёрдамида илмий ишни баҳолаш умумэтироф этилган амалиёт ҳисобланади. Рейтингни кутариш мақсадида турли баҳоналар билан узини цитата қилиш эътиборга

олинмайди. Агар Сизни тез-тез бошқа муаллифлар нуфузли журналларда цитата берилса, келажакда халқаро ташкилотдан моддий **ёрдамни илмий** тадқиқотингиз учун олишингиз мумкин (14).

Илмий журналлар рейтинги кўрсаткичлар:

- Импакт-фактор (JCR, Thomson Reuters ёки РИНЦ)
- SNIP (Source-Normalized Impact per Paper, Moed H.F.)
- - SJR (SCImago Journal Ranking)

Журнал эмаслигини белигловчи индекслар: (олимнинг илмий фаолиятини, ташкилотини, билим соҳасини курсатада ва бошқалар)

- Индекс Хирша
- ўрта цитата бериш

*SJR - SCImago Journal Ranking* - Гранада университети томонидан журналлар рейтинги ишлаб чиқилган, унда нафақат цитата беришнинг умумий сони ҳисобга олинади, балки йиллар бўйича муаллақ цитата сони ҳамда сифат кўрсаткичлари авторитар ҳаволалар огирлиги ҳам эътиборга олинади. Масалан, “А” журналидаги мақола Nature журнали ҳаволасининг огирлиги “Вестник N-ского университета” журналидан (Scopus ҳаволаси умуман мавжуд эмас) тубдан фарқ қилади. Умуман SJR импакт-фактордан унчалик фарқ қилмайди, интернетда кенг миқёсда журналлар жалб қилади ва мақолаларга эркин кириш имконини беради.

*SNIP* - Лейден университети профессор Х.Ф.Моэдом томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур кўрсаткич ҳар қандай илмий соҳада цитата бериш даражасини, илмий мақолаларни турли илмий йўналишларда таққослашга фойдаланишнилади. Мазкур кўрсаткичда ҳаволалар берилган йили эътиборга олинади. Нашр ойнаси - 3 йил. Цитата ойнаси - 1 йил. Меъёрий ҳужжатлар тури ҳар қандай кўрсаткичлар учун бир хил.

*Индекс Awpwza(H-index)* - иккинчи гуруҳ “журнал эмас” курсаткичдир. Тадқиқотчининг индекс Хирша (H-index) си, N мақола нашр этган, hга тенг бўлади. Хуллас, ўртача цитата - олимнинг мақоласи қилинган ҳаволаларни умумий мақолалар сонига бўлинганида куринади. “Журнал эмас” кўрсаткичлар жуда куп омиллар, яъни цитата сони, мақолани биринчи йили эътиборга олиниши, олимнинг ёши ва бошқалар билан боғлиқ (15).

*Цитата индекси* - бу рақам эмас. Бу - илмий мақолалар базаси. Мазкур база библиографик рўйхатда ҳамма мақолалар индекси бўлиб, қайси мақолада кўп цитата берилса, қайсилари оз миқдорда берилишини белгилайди. Бунда механизм оддий ва мантиқий. Биринчи муаллиф мақола ёзган ва адабиётлар руйхатида иккинчи муаллифнинг мақоласини кўрсатиши цитата индексида иккинчи муаллиф мақоласига 1 балл қўшилади.

*Scopus* - бу Elsevier компанияси маълумотлар базаси. У 25 минг яқин турли илмий нашрларни индексция қилади. Буларда фақат инглиз тилида берилиши эътиборга олинган (16).

ОТМ профессор-ўқитувчиси томонидан илмий мақола, тезис тайёрлаш ва нашр этиш, ихтиро (патент), дастурий воситалар яратиш олий таълим муассасаси, республика ҳамда халқаро миқёсидаги ҳар бир илмий мақола ва тезис учун соатлар ҳажми алоҳида белгиланган. Лекин докторлик диссертацияси мавзуси доирасида тайёрланган (яратилган) илмий мақола, тезис, ихтиро (патент), дастурий воситалар мазкур иш турига киритилмаслиги кўрсатилган (5). Шунингдек, улар томонидан нашр этилаётган илмий мақолалар халқаро талаблар даражасида расмийлаштириш ҳолатларида баъзи муаммолар кузатилмоқда. Мазкур талаблар асосида расмийлаштирилса, йил ОТМ рейтингини ижобий баҳоланишида ўз кўрсаткичларига эга бўлади. Хулоса қилиб айтганда, халқаро нуфузли илмий журналларда мақолалар чоп этиш талаблари, имкониятлари ва ахборот алмашинуви жараёнлари докторлик илмий-тадқиқот ишларини сифатли бажаришга имкон яратиши барчамизга маълум.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2010 йил 25 февралдаги 162/7-сонли Қарори
2. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда алий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш системаини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.
3. Ўзбекистан Республикаси ОАК Раёсатининг 2014 йил 31 декабрдаги 212/5-сонли Қарори.
4. Вазирликнинг 2004 йил 9 апрелдаги 105-сонли буйруғига 1-илоvasида берилган ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан бажариладиган ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот ва тарбиявий ишлар ҳажмини белгиловчи “Вақт меъёрлари”нинг Янги таҳрири
5. Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, таъликий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкласини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2015 йил 9 сентябрдаги 5-2015-сонли буйруғи.
6. Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 29 октябрдаги 418-сонли “Магистратура тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” буйруғи.
7. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сонли “Магистратура тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори.
8. Педагогикадан атамалар лугати. - Тошкент: Фан, 2008. - 195 б.
9. <http://oak.uz7infouz/5-oak-royxatiga-kiritilgan-mahalliy-va-xorijiy-ilmiy-iomallar>
10. <http://oak.uz/newsuz/142-ozbekiston-respublikasi-oliy-attestatsiya-komissiyasining-doktorlik-dissertatsiyalari-asosiv-ilmiy-natijalarini-nashr-qilish-tavsiya-etilgan-ilmiy-nashrlar-royxati>
11. <http://www.uzscience.uz/uz/news/view/id/17>
12. <http://7ru.wiki.pedia.org>
13. [www.aspirans.com](http://www.aspirans.com)
14. [www.citati.onindexandimpactfactor](http://www.citati.onindexandimpactfactor)
15. [www.gazeta.ru](http://www.gazeta.ru)
16. [mftxamoluch.ru](http://mftxamoluch.ru)